



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МУНДАРИЖА :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев “Хизмат” тушунчасининг иқтисодий кагегория сифатида назарий таҳлили	5
Ибодулла Ҳасанович Ибрагимов, Рустам Алижонович Мусабоев Истеъмолчилик хулқининг трансформацион хусусиятлари	11
Аскар Хайдарович Джумаев Жаҳон хўжалигида иқтисодий тизимларнинг қиёсланишининг услубий жиҳатлари	16
Shahobiddin Ziyadullayevich O‘rozov Amir Temur ijtimoiy faoliyatida ratsionallik yondashuvi	20
Lola Nazarovna Xalikova Ijtimoiy himoyalashga oid nazariy qarashlar	24
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Боҳодир Ибрагимович Исроилов, Бобуршоҳ Боҳодир ўғли Ибрагимов Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ ҳуқуқбузарликларини таснифлашнинг ўзига хос хусусиятлари	28
Қулмамат Джонузоқович Мирзаев, Гиёс Турабекович Юлдашев Республикамизда деҳқончиликни инновацион асосда ривожлантиришни асосий тараққиёт тенденциялари	32
Жунайдулло Садиевич Файзиев Умумий овқатланиш корхоналарини дастурий – аппарат комплексларидан фойдаланиб автоматлаштириш	37
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Раҳматулла Хидирович Эргашев Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси ва унинг самарадорлигини ошириш	42
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Зариф Юсупович Аминов Инсон иқтисодий хавфсизлигига ишчи кучи сифатининг таъсири	49
Zubayda Ubaydullayevna Shodmanova Xizmat ko‘rsatish sohasidagi korxonalarining iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashdagi kamchilik va muammolar	53
Bekjon Shukurillayevich Musayev Oliy ta’lim xizmatlarini raqamli texnologiyalar asosida targ‘ib qilishning uslubiy asoslari	57
Sadoqat Qudratovna Bultakova Xizmat ko‘rsatish sohasi va uning O‘zbekistonda o‘shish dinamikasi	63
Luiza Komilovna Haydarova Xizmat ko‘rsatish korxonalarida innovatsiyalarni tatbiq etish zaruriyati va omillarini tahlili	67
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Akram Abduraxmonovich Azizqulov Xatirchi tumanida ziyorat turizmini rivojlantirish imkoniyatlari	74

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори,

“ХИЗМАТ” ТУШУНЧАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: бугунги кунда хизматлар соҳаси замонавий бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмига айланди. Ушбу соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унинг кишилиқ жамияти ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мавқеи тобора мустаҳланиб бораёпти. Ушбу соҳанинг ЯИМ даги ва иқтисодиётда банд аҳоли сонидagi улуши тез суръатлар билан ўсиб бориши кузатилмоқда. Қисқа тарихий давр мобайнида у иқтисодиётнинг учинчи даражали секторидан устун ривожланган биринчи даражали секторига айланишга эришди. Шунга мос тарзда, хизматлар соҳаси ривожланишининг назарий-методологик ва амалий муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар сони кўпайиб, сифати такомиллашиб бормоқда. Ушбу мақолада “хизмат” иқтисодий категориясига, тадқиқотчилар томонидан унга берилган таърифларга нисбатан адабиётларда мавжуд илмий қарашларга муаллифларнинг танқидий фикр-мулоҳазалари ва келажакда уни такомиллаштириш бўйича таклифлари ва тавсиялари ўз аксини топган.

Калит сўзлар: хизмат, хизмат турлари, текин хизмат, пулли хизмат, ишлаб чиқариш истеъмоли, шахсий истеъмол, хизмат бозори, иқтисодий тараққиёт, бандлик, ялпи ички маҳсулот, аҳоли турмуш даражаси.

Кириш. Инсоннинг ноз-неъматларга бўлган эҳтиёжлари ва уларни қондириш жараёнидаги истеъмоли таркибида хизматлар алоҳида ўринга эга. Лекин, илмий адабиётларда миллий иқтисодиётнинг ушбу секторига оид асосий тушунча –“хизмат”нинг моҳияти, мазмуни, унинг турлар бўйича таснифланиши, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги роли хусусида турли-туман, кўп ҳолларда бир-бирига зид, ёндашувлар ва илмий қарашлар мавжуд. Олимлар ўртасида бу борада ҳанузгача давом этаётган баҳс-мунозаралар, тортишувлар, бир томондан, муаммонинг мураккаблиги, серқирралиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, мазкур муаммога бағишланган илмий тадқиқотларни янада қучайтириш, чуқурлаштириш лозимлигидан далолат беради.

Илмий адабиётларда ўз аксини топган илмий қарашларнинг таҳлили “хизмат” иқтисодий категориясининг моҳиятини очишда, уни талқин этишда икки хил¹, уларнинг айримларида эса, уч хил ёндашув мавжудлигини кўрсатди². Айнан бир иқтисодий категорияга оид турли хил ёндашув ва таърифларнинг мавжудлиги хизматлар соҳасини ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрнини ва ролини баҳолашда, соҳани ривожлантиришга оид қарорлар қабул қилишда, мамлакатлараро ва ҳудудлараро қиёсий таҳлилни амалга оширишда, соҳага бағишланган илмий тадқиқот ишларини бажаришда катта қийинчилик ва муаммолар туғдиради. Ушбу борада юзага келган муаммони баргараф этиш учун мазкур иқтисодий категориянинг аксарият олимларга манзур бўлган, улар тан олган, ягона ёндашув ва унга асосланган яхлит таърифини ишлаб чиқиш зарур. Умумий тарзда ушбу таъриф “хизмат” категориясининг барча қирраларини, хусусиятларини, унинг туб моҳиятини ўзида акс эттирмоғи лозим.

Ушбу мақоланинг мақсади “хизмат” иқтисодий категориясининг мазмун-моҳиятини, иқтисодчи олимлар томонидан уларга нисбатан билдирилган фикр-мулоҳаза ва

¹ Король А.Н., Хлынов С.А. Услуги: определение и классификация. Электронное научное издание «Учёные заметки ТОГУ», 2014, Том 5, №4, 1323-1328 бб.

² Петров А.Н., Карпова Г.А., Хорева Л.В. Концептуализация подходов к формированию целостной теории услуг // Известия СПбУЭФ. 2012. № 1, 40-50.бб.

таърифларини ўрганиш, танқидий таҳлил қилиш, умумлаштириш, энг муҳими, шуларга таянган ҳолда, ушбу долзарб муаммога доир муаллифларнинг шахсий муносабатларини шакллантиришдан иборат.

Таҳлил ва натижалар. Бизга маълум иқтисодий манбалардаги маълумотларга мувофиқ, “иқтисодиёт” тушунчасини эрамиздан олдинги асрларда қадимги грек файласуфи Ксенофонт (эрамиздан олдинги 430-356 йй.) ихтиро қилган. Ушбу иборани у ўзининг илмий асарларида илмий тушунча сифатида биринчи бўлиб ишлатган. Лекин “Хизмат” тушунчасининг қачон пайдо бўлганлиги, ким томонидан ихтиро қилинганлиги ва дастлаб уни илмий категория сифатида қайси олим томонидан қўлланилганлиги хусусида аниқ манбалар йўқ. Лекин, кишилик жамияти амалиётида ушбу тушунчанинг пайдо бўлиш тарихан хизматларнинг инсон ўзининг дастлаб маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган иқтисодий фаолиятини бошлашидан анча бурун пайдо бўлганлиги хусусида илмий қарашлар мавжуд.¹ Аммо гносеологик нуқтаи назардан хизматларнинг иқтисодий воқелик сифатида умуман қачон пайдо бўлганлигини эмас, балки унинг иқтисодий категория сифатида илмий манбаларда қачондан бошлаб қўлланилганлигини аниқлаш муҳим.

Хизматларнинг кишилик жамияти ҳаётида муайян аҳамият касб этувчи, инсон иқтисодий фаолиятининг алоҳида тури тўғрисидаги илмий қарашларни дастлабки Адам Смитнинг асарларида учратамиз. У, бевосита “хизмат” тушунчасининг моҳиятини тадқиқ этмаган, унга мустақил иқтисодий категория сифатида муносабат ҳам билдирмаган. Лекин у ўзининг “Халқлар бойлиги табиати ва сабаблари тадқиқоти” (1776 йил) номли асарида хизматларнинг инсон иқтисодий фаолиятининг тури, иқтисодий жараёнларнинг иштирокчиси сифатида мавжудлигини эътироф этган.² Тадқиқот жараёнида у ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг меҳнатини икки, яъни унумли ва унумсиз меҳнат турларига ажратди. Унинг фикрича, хизмат билан шуғулланувчи кишиларнинг меҳнати унумсиз меҳнат бўлиб, мамлакат ижтимоий бойлигини шакллантиришда иштирок этмайди. Ўша даврларда Адам Смит томонидан илгари сурилган ғоя методологик нуқтаи назардан нотўғри бўлсада, лекин унинг ушбу қарашлари хизматлар назариясининг дунёга келишида муҳим роль ўйнади. Шу сабабли, биз Адам Смитни “хизмат” иқтисодий категориясининг ихтирочиси, асосчиси сифатида қарашга ҳақлимиз.

Адам Смитдан сўнг хизматлар назариясини шакллантиришда инглиз иқтисодчиси А.Маршалл (1880-1959) катта ҳисса қўшди. У биринчи бўлиб, хизматларнинг ижтимоий бойликни шакллантиришда фаол иштирок этишини эътироф этди, уларнинг инсон ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамиятга эга эканлигини асослаб берди. Унинг фикрича, инсоннинг ҳаёт кечириши учун моддий ноз-неъматлар билан бир қаторда, фуқаролик ва ҳарбий мудофаанинг таъминлаганлиги, суд томонидан ҳимояланиш ҳуқуқи, бепул таълим олиш имкониятлари каби хизматлар ҳам бирдек зарур ҳисобланади. Ушбу илмий қараш билан иқтисодчи ижтимоий бойлик тушунчасининг моҳиятини очишда ва уни хизматлар ҳисобидан кенгайтиришда ўзигача маълум бўлган хизматлар назариясини янги даражага кўтаришга эришди.

“Хизмат” тушунчасига эътибор Кларк-Фишер моделининг, яъни уч секторли иқтисодиёт назариясининг яратилиши муносабати билан, кучайиб кетди. Ушбу назарияга мувофиқ, иқтисодиёт фаолиятининг учта секторидан: бирламчи – хом ашё қазиб чиқарувчи, иккиламчи – ишлаб чиқарувчи ва учламчи – хизмат кўрсатиш соҳаси мажмуидан таркиб топган. Демак, XX асрнинг қирқинчи йилларига келиб, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг алоҳида мустақил сектори даражасигача кўтарилди.³

Таниқли социолог ва иқтисодчи Д.Белл XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошла-рида ривожланган, иқтисодий тараққиёт пиллапоёсида пешқадамлик қилаётган Ғарб

¹ Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. – Самарқанд, Zarafshon, 2017. 12-14 бетлар.

² <https://www.litres.ru/>. Мурожаат қилинган сана: 10 март, 2024 йил.

³ 1935 йилда А.Фишер ўзининг илмий мақоласида иқтисодиётни учта секторга (бирламчи, иккиламчи ва учламчи) ажратиш ғоясини баён қилди.

давлатларида хизматларнинг мамлакат ЯИМ идаги ва иқтисодиётда банд аҳоли сонидagi улуши кескин ошиб кетганлигига эътибор қаратди. Ушбу иқтисодий воқеликка асосланиб, у ўзининг оламга машхур, дунёнинг кўплаб иқтисодчилари тан олган постиндустриал жамият назариясини яратди.¹ Унинг фикрига кўра, бир томондан, илмий-техника революцияси, иккинчи томондан, аҳоли даромадларининг сезиларли даражада ўсиши, натижасида ижтимоий ишлаб чиқаришда туб ўзгариш рўй берди: устунлик товарлар ишлаб чиқариш соҳасидан хизматлар ишлаб чиқариш соҳасига ўтди. Ушбу омиллар таъсири остида шаклланган иқтисодий тизимни у кишилиқ жамияти тараққиётининг навбатдаги, янги босқичи (аграр ва индустриал жамиятлардан кейинги учинчи) сифатида қараб, уни "индустриал жамият", деб номлади. Ўша даврлардан бошлаб “хизмат” иқтисодий категорияси жамиятда содир бўлаётган иқтисодий ҳодиса ва воқеликларни тавсифлашда, миллий иқсодиётни таҳлил қилишда ва истиқболларини белгилашда, кундалиқ ҳаётимизда энг кўп ишлатиладиган ва кенг тарқалган иборалардан бирига айланиб қолди

Бугунги кунда “хизмат” ибораси мустақил илмий категория сифатида илмий адабиётларда ҳам, расмий ҳужжатларда ҳам, кундалиқ ҳаётимизда ҳам кенг диапазонда қўлланилади. Сабаби, хизмат ва унинг алоҳида турлари билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнлари, жамиятда содир бўлаётган иқтисодий воқелик ва ҳодисалар, бозор иштирокчилари ўртасида юзага келадиган хизматлар билан алоқадор иқтисодий муносабатлар замирида у замонавий бозор иқтисодиётининг устун аҳамиятга эга бўлган етакчи таркибий қисмига айланди.

Хизматларнинг жаҳон хўжалигининг, хусусан, ривожланган мамлакатлар иқтисодининг, муҳим таркибий қисмига айланганлигига қарамасдан, иқтисодиёт фани ва илмий адабиётларда аксарият кўпчилик тадқиқотчилар маъқуллаган, тан олган “хизмат” тушунчасининг яхлит, ягона таърифи ишлаб чиқилмаган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, айрим иқтисодчиларнинг фикрига кўра, “хизмат” категориясига таъриф беришда, унинг моҳиятига муносабат билдиришда иккита асосий ёндашув мавжуд.² Биринчи ёндашув тарафдорлари хизматни фаолият, меҳнатнинг ўзига хос шакли сифатида, иккинчи ёндашув тарафдорлари эса уни меҳнатнинг натижаси, фаолиятнинг фойдали самараси сифатида талқин қиладилар.

Биринчи ёндашув тарафдорлари хизматларга берган таърифларида уларни фақат фаолият эканлигини эътироф этадилар. Айни пайтда хизматларнинг бошқа муҳим жиҳатлари уларнинг эътиборидан батамом четда қолиб кетган. Бизнингча, ушбу тоифага мансуб иқтисодчиларнинг шакллантирган таърифларда ушбу мураккаб ва серқирра тушунчанинг моҳияти фақат бир томонлама очиб берилган. Шу сабабли, уларни хизматларга берилган мукамал, тўлақонли таъриф сифатида қабул қилиш методологик жиҳатдан нотўғри. Хизматнинг инсон меҳнат фаолиятининг натижаси эканлигини тўла эътироф этган ҳолда, уни ушбу тушунчанинг бошқа муҳим параметрлари билан тўлдириш ҳисобидан кенгайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодчи В.В.Почекина: “Товар объект, қурилма, нарса шаклига эга бўлса, хизмат – бу ҳаракат, ижро этиш, кучаниш”, деб таъриф берган.³ Тадқиқотчи Т.Хилл товарни ўзлаштириш мумкин бўлган жисмоний объект сифатида, хизматни эса бир кишининг иккинчи бир кишига нисбатан амалга оширадиган онгли ҳаракати, фаолияти сифатида қараган. Ушбу таърифларда ҳам хизматнинг фақат бир жиҳати, яъни унинг товардан фарқлантурувчи белгилари мавжудлиги очиб берилган, холос. Лекин, хизмат тушунчасида мужассам бўлган унинг бошқа муҳим жиҳатлари ушбу таърифларда ўз аксини топмаган.

¹ Белл, Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования / инглиз тилидан таржима. М.: Academia, 1999 йил.

² Король А.Н., Хлынов С.А. Услуги: определение и классификация. Интернет ресурс: <https://pnu.edu.ru/>. Мурожаат этилган сана: 11 март, 2024 йил.

³ Почекина, В.В. Услуги в международной экономике / В.В. Почекина, Ю.П. Якубук. – Минск: БИП-С, 2003.

Иккинчи ёндашув тарафдорлари, аксинча, хизматларни меҳнат натижаси, унинг фойдали самараси сифатида талқин қиладилар. Лекин хизматларнинг, энг аввало, фаолият эканлигини эътибордан четда қолдирадилар. Ушбу тадқиқотчилар сирасига К.Гренросс,¹ Г.Ассель² кабиларни киритиш мумкин.

Бир қатор манбаларда хизматлар бир вақтда ҳам фаолият, ҳам натижа сифатида талқин қилинган. Бизнинг назаримизда, ушбу ёндашув мазкур тушунчанинг моҳиятини тўлароқ очиш имкониятини беради. Сабаби, инсоннинг хизмат кўрсатишга қаратилган меҳнат фаолияти ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга манфаат, наф келтириши, яъни нафлиликка эга бўлиши лозим. Кейинги пайтларда маҳаллий ёш тадқиқотчиларимиз орасида хизмат кўрсатиш соҳаси билан алоқадор диссертация ишларида, илмий мақола ва монографияларида ҳам хизмат илмий категориясига муносабат билдиришга, унга таъриф беришга уринишлар кучайиб кетди. Лекин, афсуски, ушбу йўналишдаги юзаки фикр-мулоҳазалардан диққатга молик натижа ва хулосалар олиш имкони бўлмапти.

Хизмат иқтисодий категориясига ёндашув ва таърифларнинг шу қадар кўплиги, бир томондан, ушбу йўналишдаги илмий изланишларнинг долзарблигидан, унинг ўткир зарурат эканлигидан далолат беради. Иккинчи томондан, муаммонинг мураккаблигини, жиддийлигини, уни ечиш йўлида муайян қийинчилик ва тўсиқлар ҳам мавжудлигини кўрсатади. Муаммонинг долзарблиги хизматлар соҳасини устун ривожлантиришга давлат томонидан эътиборнинг тобора кучайиб бораётганлиги, давлат макроиқтисодий сиёсатида содир бўлаётган туб ўзгаришлар, бу борада Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан кетма-кет қарорларнинг қабул қилиниши, уларни амалиётга татбиқ этиш механизм ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда ижро этиш зарурати кун тартибда турганлиги билан изоҳланади.

Бизнингча, хизмат тушунчасига яхлит, барча эътироф этган ягона таърифнинг ишлаб чиқилишини мушкуллаштирадиган объектив сабаблари бор. Булар сирасига қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

Биринчидан, ”Хизмат ” иборасини амалиётда ва фанда қўллашда мавжуд чалкашликлар. Реал амалиётда “хизмат” ибораси икки маънода ишлатилади. Биринчиси – биров(лар)га одоб, иззат-хурмат, олийжаноблик, меҳрибонлик, ғамхўрлик кўрсатиш юзасидан савобга қолиш мақсадида яхшилик қилиш, биров(ларнинг) оғирини енгил қилиш. Ушбу турдаги хизматларнинг ўзига хос, яъни бошқа хизматлардан уларни тубдан фарклантирувчи асосий хусусияти шундаки, унинг замирида хизматни ишлаб чиқарган ва иккинчи томонга тақдим этган томоннинг иқтисодий манфаат кўриш, фойда олиш мақсади мавжуд эмас. Бундай хизматлар, одатда, беғараз, ҳеч қандай тўловларсиз, бепул, беминнат амалга оширилади. Бундай хизматлар конфуцизм руҳида тарбияланган халқларда, жумладан, Ўзбекистон халқларида ҳам, жуда кенг тарқалган. Масалан, ота-онанинг фарзандлари бахти, фаровонлиги йўлида бутун умри давомида яхшилик қилиши ёки, аксинча, фарзандларнинг ота-онага чексиз иззат- хурмат юзасидан умрбод хизмат кўрсатиши, тўй, маърака, маросимларда астойдил хизмат қилиш, қавму-қариндош, қўшниларга ёрдам кўрсатиш мақсадида хизмат қилиш, уй-рўзғор ишлари, уйда овқат пишириш, кир ювиш, кўчада кетаётган кексароқ одамнинг нарсаларини кўтаришига ёрдам бериш ва ҳоказолар.

Илмий адабиётларда “хизмат умумиқтисодий категория бўлиб, у истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга (оғирини енгил, узоғини яқин, мушкулчини осон қилишга) қаратилган меҳнат фаолиятининг кенг тарқалган усулидир”, таҳририда берилган таъриф мавжуд.³ Ушбу таърифда айнан биров(лар) га яхшилик қилиш эзгу мақсадларида кўрса-

¹ Санникова Л.В. Услуги в гражданском праве России. –М.: Волтерс Клувер, 2066. Интернет ресурс <https://www.google.com/url> Мурожаат этилган сана: 19 март, 2024 йил.

² Ассель Г.Маркетинг: принципы и стратегия.. Учебник. М.: ИНФРА – М, 1999. . Интернет ресурс <https://www.google.com/url> Мурожаат этилган сана: 19 март, 2024 йил.

³ Мухаммедов М.М., Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари. Монография. ”Инновацион ривожланиш нашриёт нашриёт-матбаа уйи”. 2021, 186 б.

тилган хизматнинг моҳияти ўз аксини топган. Лекин у “хизмат”нинг илмий категория сифатида моҳиятини очиб беришга ожизлик қилади.

Иккинчиси иқтисодий манфаат кўриш, фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган хизматлар. Бундай хизматлар таркибига истеъмолчига товар-пул муносабатлари, яъни олди-сотди асосида, бозорда айирбошланадиган истеъмол қийматига ва қийматга эга бўлган барча хизматлар киради. Айнан ана шу хизматлар, биринчи бандда қайд этилган хизматлардан фарқли ўлароқ, мамлакат ялпи ички маҳсулотини, миллий даромадини шакллантиришда фаол иштирок этади.

Мавжуд адабиётларда хизматларга берилган бирорта таърифда хизматларнинг ана шу икки ёқлама табиати ўз аксини топмаган. Шу сабабли, улар ушбу мураккаб иқтисодий категориянинг туб моҳиятини очиб беришга даъвогарлик қилолмайдилар. Бизнинг назаримизда, муаммони ҳал қилиш учун ҳар иккала хизмат турларини (пулли ва бепул) бир махражга келтирадиган умумий, бир-бирига ўхшаш жиҳатларини излаб топиш зарур.

Масалага чуқурроқ назар билан қарайдиган бўлсак, биринчи туркумдаги хизматлар ҳам мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда иштирок этади. Лекин, биринчи турдаги хизматлар мамлакат ижтимоий бойлигини шакллантиришда билвосита (уни кўпайтиришга шароит яратиб бериш орқали), иккинчи турдаги хизматлар эса бевосита (янги қиймат яратиш орқали) иштирок этади.

Айни пайтда, ҳар иккала туркумдаги хизматлар, улар бировга бепул ҳадя қилиш эзгу мақсадларида яратилганлиги ёки сотиб, даромад олиш учун ишлаб чиқарилганлигидан қатъи назар, барибир, улар, биринчи галда, инсон меҳнат фаолиятининг натижасидир. Бизнингча, “Хизмат” иқтисодий категорияси таърифида хизматларнинг айнан ана шу ўзига хос хусусияти, уларнинг умумий жиҳати сифатида албатта ўз аксини топмоғи зарур.

Иккинчидан, хизматлар соҳаси таркибига мансуб тармоқларнинг кўплиги, улар ўртасида сифат ва истеъмолчи талабини қондиришдаги аҳамияти жиҳатидан кескин фарқларнинг мавжудлиги. Ушбу муаммо турли тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини умумлаштириш ва уларни ягона, яхлит махражга келтиришда жиддий қийинчиликлар туғдиради. Масалан, барча олимлар яқдиллик билан эътироф этган нуқтаи назарга мувофиқ, хизматлар моддий ва номоддий хизматлардан таркиб топган. Хизматлар субъектларо муносабатларнинг ифодачиси сифатида ишлаб чиқариш ва уй хўжаликлари истеъмолига бўлинади. Қайси мақсадга йўналтирилганлигига кўра, хизматларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Ишчи кучи салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган хизматлар (таълим, ижтимоий ёрдам, суғурта, маданият, туризм ва спорт, рекреацион хизматлар, соғлиқни сақлаш). 2. Бозор субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалга ошириш хизматлари (банк ва молия хизматлари, консалтинг хизматлари, алоқа хизматлари). 3. Истеъмол хизматлари (савдо, умумий овқатланиш, транспорт хизматлари, коммунал хизматлар). 4. Давлат хизматлари (ижтимоий ҳимоя, тартибни сақлаш, мудофаа). Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини шакллантиришдаги ролига қараб ҳам хизматларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: ЯИМ ҳажмига бевосита таъсир кўрсатувчи ҳамда билвосита таъсир кўрсатувчи хизматлар. Жами хизматларни турлар бўйича бошқа белги ва мезонларга қараб ҳам таснифлаш бўйича фикр-мулоҳазаларни яна давом эттириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, танланган таснифлаш мезонига мувофиқ, хизматларнинг жуда кўп турлари мавжудлигини аниқлаш мумкин. Энг муҳими, жамиятда шиддат билан кечаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёни таъсири остида янгидан-янги хизмат турлари пайдо бўлиб, хизматлар соҳаси ва шунга мос тарзда, унинг бозори ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Табиийки, кескин ўзгарувчанлик ва беқарорлик шароитида “хизмат” иқтисодий категориясининг таърифида, у қай даражада мукамал бўлишидан қатъи назар, кўп сонли хизмат турларини қамраб олган хизматлар соҳаси таркибида хизматларга берилган таърифнинг барча талабларга мос келмайдиган бир ёки бир неча тури топилади. Бошқача қилиб ифодалганда, кўп сонли ва турли-туман хизматларнинг барча

жиҳатларини бекаму-қўст ва тўла ўзида акс эттирувчи ягона, яхлит таърифни шакллантиришнинг имкони бениҳоя чекланган.

Масалан, аҳолининг маиший хизматларга бўлган талабларини қондиришга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар. Ёки, айтайлик, истеъмолчи буюртмаси асосида янги нарса тайёрлаш, эскисинини таъмирлаш каби хизматлар амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ, моддий хизматлар таркибига киритилган. Лекин, ушбу хизматлар моҳиятан хизматларни товарлардан кескин фарқлантирувчи муҳим жиҳатлари билан (сақланмаслик, сезилмаслик, кўзга кўринмаслик, хизматнинг истеъмолчидан ажралмаслик, ишлаб чиқариш билан истеъмолнинг бир вақтда кечиши, хизмат натижасини бир жойдан бошқа бир жойга кўчириб бўлмаслик) товарлардан ҳеч қандай фарқ қилмай қолади.¹ Чунки бундай хизматларни бемалол сақлаш, кўриш, сезиш, масофага ташиш ҳам мумкин.

Хизматлар таркибидаги таълим хизматлари ҳам сақланмаслик тамойилига мос келмайди. Сабаби, истеъмолчи ушбу хизматларни ўзида умрбод сақлайди. Яхшилик қилиш мақсадида бировга ҳадя этилган, бепул амалга оширилган хизматлар, бошқа барча хизматлар сингари, истеъмол қийматига эга. Лекин улар, бозорда сотиш учун ишлаб чиқарилган хизматлардан фарқли ўлароқ, қийматга эга эмаслар. Чунки истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда айирбошлаш жараёни умуман мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда ва уларни умумлаштириш асосида “хизмат” иқтисодий категориясига ўз талқинимиздаги қуйидаги таърифни беришни лозим, деб топдик. Хизмат – ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида истеъмолчиларнинг ишлаб чиқариш ва шахсий эҳтиёжларини қондириш мақсадида уларга текин ҳадя этиш ёки сотишга мўлжалланган иқтисодий фаолияти натижаси.

Хулоса ва таклифлар. “Хизмат” мураккаб иқтисодий категория бўлиб, унинг серқирралиги, турлари сонининг кўплиги, янги хизмат турларининг пайдо бўлиши, эскирганларининг янгиланиши ҳисобидан хизматлар соҳасининг узлуксиз кенгайиб бориши ушбу иқтисодий категориянинг туб моҳиятини очиб берувчи ягона, яхлит таъриф ишлаб чиқишга имкон бермайди. Хизматлар соҳасидаги ўзгарувчанлик ва таркибий беқарорлик “хизмат” иқтисодий категориясининг моҳиятини очиб беришга қаратилган таърифга вақт-вақти билан тегишли ўзгартиришлар киритишни, уни узлуксиз такомиллаштириб боришни ўткир заруратга айлантиради.

Мақолада муаллифларнинг “хизмат” иқтисодий категориясига янги таҳрирда берилган таърифи ўз аксини топган. Ушбу таърифда барча хизмат турларига хос умумий жиҳатларини, яъни хизматларнинг инсон меҳнат фаолиятининг натижаси эканлиги, улар бировларга яхшилик қилиш мақсадида ҳеч қандай тўловсиз, текин, ҳадя шаклида ёки фойда олиш мақсадида сотишга мўлжалланган тўловли хизмат шаклида бўлиши мумкинлиги, хизматлар ишлаб чиқариш корхоналари ёки уй хўжаликларининг шахсий истеъмолини қондиришга қаратилганлиги кабиларни қамраб олишга эришилган.

Лекин, илмий изланишлар фақат “хизмат” категориясининг моҳиятини ўзида имкон қадар тўла акс эттирувчи яхлит таърифни яратиш, уни ижтимоий-иқтисодий тараққиётга мос тарзда такомиллаштириб бориш билан чекланиб қолмаслиги керак. Шу билан бир қаторда, бизнингча, хизматлар назариясида юзага келган бугунги вазият барча хизматларни муайян мезонлар бўйича гуруҳлаш асосида алоҳида тармоқлар кесимида фаолият турлари моҳиятини очишга қаратилган табақалаштирилган таърифлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу долзарб муаммонинг муваффақиятли ечилиши, биринчи галда, хизматлар соҳаси, унинг тармоқлар бўйича таркибий тузилиши, хизмат турлари бўйича таснифланиши каби муҳим муаммоларни чуқур тадқиқ этиш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

¹ Муҳаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Самарқанд, Zarafshon, 2016, 47-бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Король А.Н., Хлынов С.А. Услуги: определение и классификация. Электронное научное издание «Учёные заметки ТОГУ», 2014, Том 5, №4, 1323-1328 бб.
2. Петров А.Н., Карпова Г.А., Хорева Л.В. Концептуализация подходов к формированию целостной теории услуг // Известия СПбУЭФ. 2012. № 1, 40-50.бб.
3. Белл.Д.Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования / инглиз тилидан таржима. М.: Academia, 1999 йил.
- 4.Мухаммедов М.М. ва бошқалар.Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. – сСамарқанд. Zarafshon, 2017. 31 бет.
5. Мухаммедов М.М., Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари. Монография.”Инновацион ривожланиш нашриёт нашриёт-матбаа уйи”. 2021, 186 б.

<p style="text-align: center;">М.Мухаммедов, М.Пардаев</p> <p style="text-align: center;">Теоретический анализ понятия «услуга» в качестве экономической категории</p> <p>Аннотация: сегодня сфера услуг стала важной составляющей современной рыночной экономики. Одной из уникальных особенностей этой сферы является то, что ее место в социально-экономическом развитии отдельного общества становится все более важным. Доля сектора в ВВП и количество занятых в экономике быстро растет. За короткий исторический период ему удалось превратиться из третичного сектора в высокоразвитый первичный сектор экономики. Соответственно, увеличивается количество и качество научных исследований, посвященных теоретическим, методологическим и практическим проблемам развития сферы услуг. В статье отражены критические замечания авторов по поводу экономической категории «услуга», определения, данные ей исследователями, а также предложения и рекомендации по ее совершенствованию в будущем.</p> <p>Ключевые слова: услуга, виды услуг, бесплатная услуга, платная услуга, производственное потребление, личное потребление, рынок услуг, экономическое развитие, занятость, валовой внутренний продукт, уровень жизни населения.</p>	<p style="text-align: center;">M.Mukhammedov, M.Pardaev</p> <p style="text-align: center;">Theoretical analysis of the concept of “service” as an economic category</p> <p>Abstract: today the service sector has become an important component of the modern market economy. One of the unique features of this sphere is that its place in the socio-economic development of an individual society is becoming increasingly important. The sector's share of GDP and the number of people employed in the economy is growing rapidly. In a short historical period, it managed to transform from the tertiary sector into a highly developed primary sector of the economy. Accordingly, the quantity and quality of scientific research devoted to theoretical, methodological and practical problems in the development of the service sector is increasing. The article reflects the authors' critical remarks about the economic category of "service", the definitions given to it by researchers, as well as proposals and recommendations for its improvement in the future.</p> <p>Keywords: service, types of services, free service, paid service, industrial consumption, personal consumption, service market, economic development, employment, gross domestic product, standard of living.</p>
---	--

Ибодулла Хасанович Ибрагимов – СамИСИ, Маркетинг кафедраси доценти, и.ф.н.
Рустам Алижонович Мусабоев – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

**ИСТЕЪМОЛЧИЛИК ХУЛҚИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИОН
ХУСУСИЯТЛАРИ**

<p>Аннотация: мақолада институционал ўзгаришлар шароитида бозорнинг етакчи субъекти - истеъмолчининг эҳтиёжлари трансформацияси ва унга мос ҳолда истеъмол бозорининг таҳлилларига глобал дунёда қўлланиладиган қатор ёндашувлар ёритилган.</p> <p>Калит сўзлар: хулқ-атвор моделлари, ёндашувлар, нафлилик, талаб дифференциацияси, харидор хулқ-атвори, истеъмол бозори, қимматбаҳо товарлар, уй хўжаликлари.</p>

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.